

Ойлик мавзу: Транспорт кўча ҳаракати қоидалари (КХҚ)Хаётий фаолият ҳавсизлиги асослари

Гуруҳ		Кичик гуруҳ					
Мавзу		“Транспорт билан танишув”					
Давр		Ноябр ойининг 1 - ҳафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Майда маторикаси ривожланади, иккала қўллари билан баровар ҳаракат қилади, кўчада юриш одоби ривожланади					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Бадиий асарлар қаҳрамонларига самимий муносабатда бўлади					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	“Транспорт” мавзусидаги луғат бойлигини оширади, гапларни туза олади, суҳбат нутқи ривожланади					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	“Йўл ҳавфсизлиги қоидалари”ни ўрганиб боради, рангларни ажратади					
	Ижодий ривожланиш	Эстетик дидлари шаклланади. Транспорт мавзусидаги тасвирий фаолият кўникмалари ривожланади					
Ривожланиш марказлари		Таълим-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Эркин фаолият	Қуриш-яаш ва математика			“Поезд” яшаш			Қурилиш материаллари тўпламлари, ғиштлар ва ярим ғиштлар, катта ҳажмдаги қурилиш леғолари ва бошқалар.
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш	“Хайдовчи ва пиёдалар”ўйини					Хайдовчи атрибутлар, светофор, суратлар, АКТ
	Нутқ ва тил			Транспорт турлари билан таништириш.			Транспорт турлари тасвирланган кўргазмали расм, АКТ, карточкалар
	Фан ва табиат маркази				“Ер, сув, ҳаво транспорт” турларини ажратиш		Ер, сув, ҳаво транспортлари тасвирланган карточкали расмлар, ўйинчоқлар
	Санъат маркази	Расм: “Поезд вагонлари”ни чизиш		Аппликация: “Вагонларни” елимлаш	Лой: “Ғилдираклар” яшаш		Пластин, пластилин учун тахтача, хўл салфетка. Рангли бўёқлар, мўйқалам, сув идишчалар, қоғоз, рангли қалам, рангли қоғоз, қаламчали клей.
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

Ноябрь ойи 1-хафта

Хафта мавзуси: «Транспорт билан танишиш»

Сюжетли-ролли ўйинлар маркази

Мавзу: «Хайдовчи ва пиёдалар» ўйини

Мақсади: ҳаётий воқеаларни ўйин жараёнида акс эттира олади, транспорт мавзусидаги терминларни нутқида тугри қўллай олади. Қўчада юриш қоидаларини ўрганади. Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги қоидалари билан танишади.

Керакли жихозлар: Хайдовчи пиёдалар жихозлари, светофор, суратлар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қўча ҳаракати, хайдовчи ва пиёдаларнинг хатти-ҳаракатлари тасвирланган видеолавҳа кўриш.
2. Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги қоидалари тасвирланган суратларни кўриш.
3. Светофор билан танишади.
4. Ўйин жихозлари билан танишиш.
5. Ролларни тақсимлаш
6. Ўйин жараёни.
7. Болаларни рағбатлантириш.

Қушимча қисм: Болаларга машиналар ўйнашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жихати: Қўчада йўл ҳаракати ҳавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишни сингдириб бориш.

Санъат маркази

Мавзу: Расм «Поезд вагончаларини чизиш»

Мақсади: чизилган вагончаларни буяйди, гилдиракларини мустакил чизади, муйкалам ва буёқлардан тугри фойдалана олади, четига чиқармай буяш қуникмаси шаклланади.

Керакли жихозлар: коғоз, муйкалам, буёқ, салфетка, намуна, банкачаларда сув, вагон тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни тамоша қилиш,
2. Чизиш кетма-кетлигини қуриш
3. Болаларнинг мустакил фаолияти
4. Болалар ишини рағбатлантириш

Кушимча қисм : болалар вагончалардан поезд ташкил қилишни таклиф этиш

Эътиборга молик жихати: болалар билан сув ва буюёклардан фойдаланиш хакида аввалроқ суҳбатлашиш (когоз букиб, ивиб қолиши мумкин)

Куриш-ясаш ва математика маркази

Мавзу: «Поезд»

Мақсади:Бола куриш-ясаш материалларидан мустикал фойдаланишни билади, уни устмас-уст, ёнма-ён куйиш усуллари орқали намунадаги тасвири ифодалай олади. Мантикий фикрлаши, диққат ва кул моторикасини ривожлантиради.

Керакли жихозлар: турли машиналар ифодаланган расмлар, турли рангдаги ва хажмдаги кубиклар, доира шакллари., леголар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Поезд расми (уйинчоги) билан танишиш
2. Куриш-ясаш материали билан танишиш
3. Намуна билан танишиш.
4. Боланинг мустикал фаолияти
5. Рағбатлантириш

Кушимча: Тарбиячи болаларга уз ишларини кушимча деталлар (елим дарахтчалар, светофор, кичик уйинчок одамчалар) билан тулдиришни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жихати:

1. Транспорт турлари хақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Нутк ва тил маркази

Мавзу: Транспортлар билан таништириш

Мақсади:Транспорт турларини(енгил машина, юк машинаси, автобус) ажратади ва тугри номлайди, уларнинг таърифлай олади. Маъно жихатдан тугри содда гап туза олади.

Керакли жихозлар:транспорт мавзуси буйича турли расмлар (автобус, машина, юк машинаси, поезд), карточкалар, 4хил рангдаги машина ва гаражлар тасвири

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни тамоша қилиш,
2. Карточкаларни транспорт турлари бўйича ажратиш.(енгил машина, автобус, юк машинаси)
3. Машиналарни номини аниқлаш.
4. «Машиналарни рангига караб гаражга жойлаштир» уйини
5. Болаларни рағбатлантириш.

Кушимча: Тарбиячи болалардан узлари ёктирган ёки уйларида турган транспортвоситалари хакида гапириб беришни таклиф килиши мумкин .

Эътиборга молик жихати:

Болаларда уйинчокни талашмай уйнаш куникмасини шакллантириш

Санъат маркази

Аппликация «Вагонларни елимлаш»

Мақсади: болаларда елимдан тугри фойдалана олиш куникмасини шаклланади, транспорт, геометрик шакллар хакидаги билимлари мустахкамланади, майда қўл моторикаси ривожланади.

Керакли жихозлар: рангли коғозлардан тайёрланган геометрик шакллар, елим, муйкалам, намуна, поезднинг тасвири

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани тамоша килиш,
2. Шаклларни коғозга тугри жойлаштириш
3. Болаларнинг мустакил фаолияти
4. Болалар ишининг кургазмаси, рағбатлантириш

Кушимча: болалар иши тайёр булгач, улар вагонларни кетма-кеи куйиб, атрофига дарахт, кузикорин ва шунга ухшаш атрибутларни кушимча килишлари мумкин.

Эътиборга молик жихати: болаларда жамоа булиб ишлаш куникмасини шакллантириш ва натижадан завқ олишни ургатиш.

Фан ва табиат маркази

Мавзу: «Ер, сув, ҳаво транспорт турларини» ажратиш

Мақсади: Транспорт турларини (машина, кема, самолет) ажратади ва тугри номлайди, уларнинг харакатини (учади, юради, сузади) фарклайди

Керакли жихозлар: транспорт мавзуси бўйича турли расмлар, уйинчоклар, идишда сув, ер, ҳаво, сув тасвирланган ватман, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ер, сув, ҳаво транспортларини АКТ орқали кузатиш.
2. Расмларни, уйинчокларни тамоша килиш,
3. Расмларни солиштириб ер, ҳаво, сув транспортларига ажратиш.
4. Ўйинчокларни харакатини амалда бажариш (машинани юргизиб куриш, кемачани сувда суздириб куриш, самолетни ҳавода учириб куриш)
5. Болаларни рағбатлантириш.

Кушимча: ер, хаво, сув тасвирланган ватманга транспорт расмларини тугри жойлаштиришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жихати: Болаларда бир бирини тинглаш куникмаларини шакллантириш

Санъат маркази

Мавзу: Лой «Гилдираклар»

Мақсади: Болаларда пластилиндан керакли булакни узиб олиш, тахтача устида ёки кафтларда думалок шаклга келтириш, уни кафт билан босиб доира ҳолатига келтириш куникмалари ривожланади майда моторика ривожланади

Керакли жихозлар: пастилин, тахтача, таёкчалар, транспорт ва унинг қисмлари тасвирланган расмлар, уйинчок машиналар, ярим тайёр расмлар

Фаолиятнинг бориши:

1. Расм ва уйинчокларни томоша қилиш,
2. Гилдираклар шаклини урганиш.
3. Болаларнинг мустиқил фаолияти.
4. Гилдиракларни ярим тайёр расмларга жойлаштириш, рағбатлантириш

Қушимча: болалар гилдиракларнинг уртасини таёкчалар билан «безатишлари» ни тақлиф этиш.

Эътиборга молик жихати: болаларда ижодқорликни ўстириш.